
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 7 ОЙИДА ХОРИЖГА ЭНГ КЎП ОЛМА ЭКСПОРТ ҚИЛГАН ҲУДУД БЎЛДИ

Ўзбекистон 2022 йилнинг январь-июль ойларида хорижий давлатларга қиймати 6,6 миллион долларга тенг бўлган 16,9 минг тонна олма экспорт қилган.

Олма экспорти ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 8,3 минг тоннага ошган.

2022 йилнинг 7 ойида Ўзбекистон энг кўп олма экспорти Қозоғистонга 11,6 минг тонна, Россияга 3,8 минг тонна, Қирғизистонга 1,2 минг тонна, Туркменистонга эса 128 тонна амалга оширилган.

Жорий йилнинг 7 ойида хорижга энг кўп олма экспорт қилган ҳудудлар орасида Фарғона вилояти 5,1 минг тонна билан етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларда Хоразм вилояти 4,3 минг тонна, Бухоро вилояти 1,5 минг тонна, Тошкент вилояти 1,4 минг тонна.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-15 12:54:09